

раддик.

— Мана шу ер Чори Хужа-
мовга қарашли. Илгари бу ер-
лар сув чиймайдиган қия-
зор ерлар эди,— тушунтиради
раис.

Бир вақтлар марҳум фоль-
клоршунос олим Мансур Афза-
лов Чори Хужановни редан-
цияга бошлаб келган, бизга
уни «Чори бахши» деб таниш-
тирган эди. Шу Чори бахши
бу ерда бригада бошлиғи бўли-
б ишларкан. Мен ўша кез-
ларда уни дўмбора чалиб, ашу-
ла айтганча, ялло қилиб юра-
берса керак деб ўйлаган эдим.
Бўй, ундай эмас экан, Чори
бахши ҳам ашула қитар, ҳам
ўша янги очилган қир ерларда
бригада бошлиғи бўлиб юкори
ҳисл олар экан.

Бу ерда одамлар завқ-шавқ
билан исҳақ тароналарини
куйлаб яшамочдалар. Бу кол-
хозда ҳислдорлар 33,4 пер-
centage етибди. Далаларини кез-
ганда колхозчилар у худди
дастлабки марра, ҳали бундан
кам ююрга кўтарилмади дей-
гандай туюлади. Улар қанчалар
масалар ҳам даладаги ишлар,
одамларнинг ҳаракатлари, ме-
ханизаторларнинг жой кўйди-
риб ишлашлари, колхоз уста-
хонасида ишлар қизиб кетгани,
қатор-қатор тележикаларнинг
гўнг ортиб далага қараб бо-
ришлари шундан далолат бе-
риб турарди.

Биз даладан орақча найтар
эдик. Кучли тракторларнинг
гуруллаган садолари ҳамон ҳай-
қиради. Раис «эзюк-эзюккага
қараб ҳаялчан борарди. Эҳти-
мол у келгуси йил режалар,
қилинадиган таъбирлар ҳақи-
да ўйлаётгандай.

Б. ХАЛИЛОВ.

ТЕПЛИЦА ХУЖАЛИГИДА

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ:

КИРОВ НОМЛИ КОЛХОЗ теплицаларида иш қил-

гин. Помидорлар пишай деб турибди. Ҳар тупда — мўл ҳосил. Соҳиба Бегматова қўли гул сабзавотқорларининг биридир. У ёпиқ майдонларга экилган экинларни парварिश қилиш ва мўл ҳосил етиштириш йўллари пухта эғаллаб олган. Яқин кунларда помидорлар эл дастурхонига етказиб берилади. Суратда: С. БЕГМАТОВА.

С. Маҳсудов фотоси.

«КОММУНИСТ» КОЛХОЗИДА анчагина ёпиқ майдонлар гулзор қилинган. Бу ерда гладиолус, хризантема ва бошқа ўдан ортиқ ноёб гул навлари етиштирилади. Тўхтамурод Султонмуродов гулчиликка меҳр қўйган. У гул парваринини жуда яхши билади. Суратда: уста гулчи Т. СУЛТОНМУРОДОВ ўз шоғирли Қ. УРОЛОВ билан хризантема навли гулни узига тайёрламоқда.

Ф. Абдураулов фотоси.



ЯНГИ МАШИНА

ЯНГИЙЎЛ, 10 декабрь. (УзТАГ). Қишлоқ хўжалиқини механизациялаш ва электрлаштириш Урта Осиё илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари пахтачилик учун машиналар давлат махсус конструкторлик бюросининг конструкторлари билан ҳамкорликда қўрама яратдилар. Бу иш иккинчи терм пайтида ўтказилди. Қўрама оддий пахта терим машинасининг шпинделлари ўртасига ўрнатилди. Ирилган қўсақ до-рилалмай ёки соғуқ ўрмасдан тез қурийд. Натижада ҳосилни тезроқ териб олиш муддатларини қисқартириш имконини берди.

Ҳисоб-китоблар Ўзбекистон-даги барча пахта терим маши-налари шундай қўрама билан жиҳозланиши ўн миллион сўм-ни тежаб қолганини кўрсатди.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 5500 ТОННА

Янгийўл шаҳар ун комбина-тининг ишчи ва инженер-тех-ник ходимлари, тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи йили-да катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар 1973 йил ҳалқ хўжалиқ планини 16 ноябрда бажариб, 1974 йил ҳи-собиға маҳсулот тоширишмоқ-да.

Шу кунга қадар 6 миллион 539 минг сўмлик маҳсулот ре-ализация қилиниб, маҳсулот ре-ализация қилиш планини ҳам муддатидан бир ярим ой илг-ри бажарибди. Коллектив план-дан ташқари яна 5500 тонна маҳсулот ишлаб чиқариб, маҳ-сулот — реализацияни план-нинг етти ярим миллион сўмга етказиб бажаришга аҳд қили-ди. Бу ютуқларни қўлга киритиш-да илгор технологияни ишлаб чи-қаришга тадбиркорлик билан жорий қилиш, яъни резервар-дан самарали фойдаланиш, иш-чи, ва хизматчиларни моддий рағбатлантириш, бригадалар ўртасида қиёбатли юборил-ган социалистик мусобақа катта оғил бўлди. Натижада комбинатнинг бир суткалик маҳсулот ишлаб чиқариш қу-ватини 175 тоннага етказилди. Комбинатнинг бу ютуғига илгор бригада бошлиқларидан Мага-матов, Ҳайруллаев ўртоқлар бошчилиги қилаётган бригада аъзолари муносиб ҳисса қўши-лар.

Комбинат аҳли ишлаб чиқ-аришда янги технологик усул-ларни қўллаб, электр энергияси ва бошқа ҳар хил ҳаражатлар-ни қамқатириш ҳисобиға 70 минг сўм нафаъатини тежаб қол-ди. Илг охиригача 160 минг ки-ловатт электр энергиясини иш-ти-сод қилинади.

Т. ЮСУПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР СОҲА

Илғор чорвадорларнинг олабаста йиғилиши

Яқинда Тошкентда олабаста чор-вадорларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари чор-вачилиқни ривожлантиришда қўлга киритилган дастлабки ютуқ-ларга яқин асаб, таъдиди вазифи-ларини белгиладилар.

Қўн тартибидати масала юзаси-дан доклад қилган олабаста ил-гория комитетининг раиси С. А. Асомов пойтахт олабаста чор-вадорларининг меҳнатдаги катта ютуқлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Со-вети, ВЛКСМ ва ВЛКСМ Мар-казий Комитетининг Қизил бай-роғи билан мукофотланганини таъкидлади. 200 дан ортиқ ил-гор чорвадор СССР ордени ва ме-даллари билан мукофотланди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу таъкидлашлари қўн чорвадорларнинг меҳнатдаги катта ютуқлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Со-вети, ВЛКСМ ва ВЛКСМ Мар-казий Комитетининг Қизил бай-роғи билан мукофотланганини таъкидлади. 200 дан ортиқ ил-гор чорвадор СССР ордени ва ме-даллари билан мукофотланди.

Паррадачиллик фабрикаларининг ишчи мукур анализи қилиб берди. «Ўзбекистон» бир товуқдан 190 тадан тухум етиштирибди, 42 миллион дона тухум олинган. «Ўртасарой» сов-хозидан эса 174 тадан тухум оли-ниб, план 86 процент қилиб ба-жарибди, холос.

Бир қатор хўжалиқларда чор-ва озуқаси базасини мустаҳкам-лаш ҳақида кўпдан-кўп тап-суб-лар бўлипти. Амалда эса бу иш охирига етказилмай қолмоқ-да. Айниқса бедазорларни кенгай-тириш, ҳосилни ошириш, мак-ка-жўҳорини кўп етиштириш иш-лари билан юзаси шугулланили-пти. Хўжалиқ раҳбарлари чорва озуқасини қўнатиришда Янгийўл районидан «Ленинград» Юрчи-Чирчиқ районидан «Подитогел» колхозларининг тажрибаларини кенг ўрганишмоқда.

Оққўрғонда колхозлараро озуқа ме тайёрлаш заводи қуриляпти. 4-«Оқантарон» совхозда қури-лаётган озуқа цехи ишга тушай-деб қолди. Аммо бундай цехларни бошқа районларда ҳам қуриб би-тавиш мумкин эди. Лекин партия, хўжалиқ раҳбарлари бу ишга тў-да қўнатирилганлар.

Музокарада сўзга чиққан Оқан-тарон район партия комитетининг биринчи секретари К. А. Азамов чорвачилиқни ривожлантиришда ишга солишган резервлар қўн ақалигини қайд қилиб, район, партия, совет, хўжалиқ ташкилот-лари бу резервлардан кўпроқ фой-даланишга ҳаракат қилаётганли-ларини айтди.

Ҳақиқатан ҳам — деди у, ҳамма ерда ме тайёрлаш цехла-рини қуриш масаласи мувофиқ-дир. Бунга биз кенг ривож олди-рамиз.

Калинин районидан «Ўзбеки-стон» колхозининг махсус сўт соғу-чиси М. Исоқова сўт бўлиғини қўнати-риш соҳасидан тажрибаларини ҳаммасоқларига сўзлаб берди. Оқ-қўрғон районидан Дмитрий номи-ли колхоз раиси А. Ким колхоз чор-вадорларининг партия ва ҳуку-матимиз таъкидлашлариға ҳаво-лаб ишда баракали ишлашлари-ларини айтди.

Биз, деди у, — бу йил 1500 тонна сўт етиштириб бер-дик. Бу ўтган йилга нисбатан 200 тонна кўпдир. Ҳар бир сўтирдан олинган сўт 3600 килограмм та-шқини эди. Янги йилда янгича ишлаймиш. Ҳар бир сўтирдан 4 минг килограммга етказиб сўт тоширамыш. Ҳозирги бутун ишмиз шунга яраша кетаяпти. Чорва қишлоғига пухта тайёргар-лик қилибди.

Йиғилишда Чиноз районидан Охунбобоев номи колхоз ет-хасик бригадасининг бошлиғи П. Топбобоев, «Ўртасарой» совхоз-ининг паррандабонлари Д. Ибро-ҳимов, 2-«Далаварзи» совхозининг бош зоотехниги А. Абдуразақов ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Йиғилишда олабаста партия ко-митетининг иккинчи секретари В. В. Окунский нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида олабаста пар-тия комитетининг секретари В. А. Абдуразақов, Н. И. Мали-хин ўртоқлар иштирок этдилар.

МЕҲНАТСЕВАР ИШЧИ

Богда Ўрмонбони район тайёрлов идорасининг ишчи хизматчилари ҳурмат қилиш-ди. У 26 йилдир, шу кўн-нада самарали меҳнат қилиб келади.

Ўзининг ишчанлиғи, меҳнат-севарлиғи билан кўнчилиқ ўр-тасида ҳурмат-этибор топан бу аёл тайёрлов идорасининг қуруқ мевалар омборида иш-лайди.

Тошўлат Нишонов мудир бўлган бу омборда маҳсулот қабул қилиш ва саралаш иш-лари жуда муаммалли бўлади. Бу ишда Ўрмонбонинг қўн-етган ҳиссаси катта. У ҳамма қу-нчилиқ иш нормасини 1.5—2 баравар бажариб келмоқда. Шу бондан коллектив ўрта-сида ҳурмат-этибор катта.

К. МАШРАПОВА,
Бўстонлиқ райони.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

КЕНИЯДА ТАНТАНАЛАР

НАЙРОВИ, 11 декабрь. (ТАСС). Кения пойтахтида мам-лакат халқининг мустамакчи-ларга қарши курашдаги мард-лигини мангуллаштирувчи ёд-горлик барелешининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мапа шу маросим билан 12 декабрда ту-зилган Кения мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан ўтказилувчи расмий та-таналар бўлипти. Мамлакат президенти Йомо Коята та-маросимда сўзлаб, Кения халқи-нинг мустақил ривожланиш йил-ларидан эришган муваффақият-ларини таъкидлаб ўтди. Прези-дент мамлакат халқини бирлик-ни мустаҳкамлашга ҳамда му-стақил Кения эришган ютуқлар-ни ҳамой қилишга тайёр туриш-га даъват этди.

Пикассо асарлари яна ўғирланди

ПАРИЖ, 11 декабрь. (ТАСС). П. Пикассонинг Антибдаги му-зейдан Пабло Пикассонинг ўн-та картинаси ва битта оригинал литографияси ўғирлаб кетилди. Музей маъсул ходимининг айтишича, ўғирланган асарлар-нинг нархи тахминан уч мил-лион франка боради.

Шу билан музей иккинчи бор ўғирланди. Шу йилнинг июнида П. Пикассонинг тўртта литографияси ўғирлаб кетил-ди, музейни ўғирлардан қўриқ-ловчи электрон аппаратлар ўр-натилганди. Аммо шулар ҳам ёрдам бермади.

Буэнос-Айресда ёнғин

БУЭНОС-АЙРЕС, 11 де-кабрь. (ТАСС). Аргентина пой-тахтида чиққан кучли ёнғин на-тижасида шаҳарнинг тўртта кўчалари қулоб қулаб кет-ди. Кўрққа яқин киши қатлийн за-раратланди. Дастлабки маълум-отларга кўра, ёнғиндан етказил-ган зарар икки миллион дол-лардан ошди.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ АҲВОЛ

ҚОҲИРА, 10 декабрь. (ТАСС). Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида БМТ вакили шунинг маълум қилдики, БМТнинг Яқин Шарқдаги фа-вқулда куралиш кўчалари 8 де-кабрда 3900 кишига етди.

7 декабрь кўни, деди у, Ис-роил самолёти Миср қўшинла-рининг позициялари устидан ўчиб ўтганлиғи қайд этилди.

ҚУВАЙТ, 10 декабрь. (ТАСС). Нефть экспорт қилув-чи араб мамлакатлари ташқи-лотининг аъзолари бу ерда бў-либ ўтган кенгашда шунинг айтишдики, илгари қабул этилган қарорларга буюнча янаъроқ оқи-да нефть қазиб чиқариш аввал-ти даъват этди.

АҲМАД АНИСНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ҚОҲИРА, 11 декабрь. (ТАСС). Женевада бўлиб ўт-ган матбуот конференциясида Миср ҳукумати вакили Аҳ-мад Анис айтдики, Миср халф-сизлик кенгашининг, жумладан,

ти ойдаги нисбатан 5 процент камайтиради. Кенгаш қат-нашчилари шунга мувофиқ ра-вишда «Африкадаги мамлакат-лардан ва дўст мусулмон дав-латларидан ташқари» Гарбдаги ҳамма мамлакатларга нефть экспорт қилиш ҳам чеклаб қў-йилишини ўқтирдилар.

АҚШга ва Голландияга нефть етказиб бериш тақиқлаб қўйил-ганлиғи «Ўз кўчини сақлаб қо-лиш» кенгашида тасдиқланди.

Нефть экспорт қилувчи араб мамлакатлари ташқи лотининг аъзолари бу ерда бў-либ ўтган кенгашда шунинг айтишдики, илгари қабул этилган қарорларга буюнча янаъроқ оқи-да нефть қазиб чиқариш аввал-ти даъват этди.

НЬЮ-ЙОРК, 10 декабрь. (ТАСС). Исроил мудофаа ми-нистри Дани Қўшма Штатларга қилган шайтандай кейин Тель-Авивга қайтиб келган. Америка расмий кишилари билан ўтказил-ган музокаралардан мамнун эканлигини билдирди. «Амери-каликлар бизнинг истиқомияти-мизнинг ҳақиқатини аниқлашга ҳа-важсизмизга хайрихоҳлиқ билан қарамоқдалар», деди Дани.

Гарб матбуотининг хабарлари-га қараганда, Дани Вашингтон-га қилган визити вақтида Тель-Авив салаб қилаётган «қурул-йорлар руҳини» тоширган.

ферециянинг беҳуда мунозара-га айланганига қаршиллик бил-дириди ва Яқин Шарқдаги аҳ-вол 6 октябрдаги уруш ҳарака-тлари бошлангунча бўлганидек яна ўзгаришсиз қолганига рози бўлмайди, деди А. Анис.

Эшик олдидаги сионизм

Эшик олдидаги сионизм. Эш-тиқим ташқарисига конверт ташлаб кетишди. Уни қайта-радан жойининг адресини ҳам, почта харажатларини ҳам тў-лашларини ёзишди. Конверт ичининг оғиб, ундаги сарғиларга кўз югуртирдим. Хатда Исро-илга тўпалаётган ёрдам фон-дида «Ўз ҳиссасини» қўнатиш таъкид этишди. Бу конверт ҳамма учун бир хилда бўлиб, унга бир доллардан тортиб юз долларни жойлаштиришга бў-лади. Шунингдек, чек ёзиб, ўша конвертда жўнатиш ҳам мум-кин.

Қўн квартиралар мен ишай-ган бу уйнинг барча истифодат қилувчилари ана шундай «са-дақа» конвертини олишди. Эҳ-тимол қўнни уйлардаги одам-ларга ҳам шундай конвертлар жўнатиладилар. Балки бундай конвертларни Бруклин, Манхей-тен ва Бронксда ҳам олишган, негаки, ёрдам йиғиш кампания-си ҳамма ерда янги олган. Шу йилнинг 14 октябрда, қашнаба кўни Нью-Йоркнинг турли рай-онларида митинглар бўлиб ўт-ди. Шаҳарнинг янги маркази даъвогар бўлган тўрт номзод-нинг ҳаммаси Исроилга бўлган садоқатини намоён этишда бир-бирдан ўнганча ҳаракат қилмоқда.

Қўшда кетатганимизда сени ёрмтой қиз тўхтатиб қўнганга

пропагандист варақасини ту-ти-қазганда, ҳибонда минглаб ки-шилар тўпаниб, қўнуби ваъ-зоналик қилишганда сионистик пропаганданинг аялиқ имо-ниятига таъ беринг келадди. Ўқув қурулларини йиғиштириб қўнган ўша қиз ҳам, ўз ҳаётида анча-мунча ақил-қўнчуқларни кўрган оқ сочли кенча ҳам Ис-роил ёзу қурулларини денгиз ҳа-ратини улоқтириб ташлаганча ҳа-рат қилипти деган савфатига ишондилар. Сионистик пропа-ганда бу одамлар қўнганда «катта» араб Голдони «ҳафа» қилаётган Исроилнинг «кичи» Давидига меҳр-муҳаббат уйғот-моқда.

Ҳеч ким бундан олти йил ав-вал Исроил араб территория-ларини босиб олганлигини ха-ёлга ҳам келтирмапти. Ани-қин босқинчилиқдан кейин бир неча ой ўтмасданқоқ Барлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик комитети Исроилни босиб олган араб ерлардан те-зда чиқиб кетиши ҳақида ре-золюция қабул қилган эди. Ис-роил халқаро ташкилотнинг бу ҳужжатини кейинги йилларда инкор этиб келганлигини ҳам, ҳатто босиб олган ерларни ўзлаштириб бораётганлигини эс-га олишмайпти. «Йуш жорел» ҳафталиғи 12 октябрда «сенатор Жавитс» уруш ту-та-гандан кейин Исроил қўнмиш территорияларини ишғол қилад-и» деган сўзлашга остида ма-қола босиб чиқарди. «Йуш» пресси ҳафталиғи эса ўзининг биринчи саниқидан янги хавфлар билан «Исроил Юқи-ра ва Дамаш сари бормоқда» деб алоҳаннос солди. Бошқа та-везалар профессор Женоба Нейснернинг «Нью-Йорк таймс» газетасида босилган мақола-сини қайта-қайта кўнриб босиб, Исроил Қоҳира ва Дамашни ишғол қилаётганини таъкидла-

ди. Газеталар сиёсий шарҳлов-чиларнинг қўнган таҳлиллари-ни босиб чиқармоқда.

Исроил агрессиясини араб мамлакатлари, сионистик мамлакатлар, шунингдек жа-ҳоннинг жуда кўпала мамлакат-лари қаттиқ қораламоқдалар. Хавфсизлик кенгашининг Яқин Шарқ масаласи бўйича бўлган йиғилишида делегатлар бирин-кетин Исроил агрессиясини қо-ралаб, уни хавфсизлик кенга-шининг 1967 йил 22 ноябрда-ги 242-сонли қарорини бажари-шга даъват этдилар. Исроил делегати ўз сўзида «афсуслани-ш» билдирди, сўнг ўзининг бутун адроналиқ мадоратини ишга солиб, айбон қўнган то-монга қўнган ўрмиди. Унинг бу фикрини ҳеч ким — ҳатто қарбий мамлакатларнинг вакил-лари ҳам қўллаб-қувватламади. Бирлашган Миллатлар Таш-килотини ва хавфсизлик кенгаши Яқин Шарқда тинчлик, хавф-сизлик ва адолат ўрнатин учун катта имкониятга эга. Бироқ, ана шу имкониятни амалга оши-риш учун кенгаш аъзоларининг шу жумладан, Қўшма Штат-ларнинг бир фикрга келиши зарур.

«Уолл-стрит жорел» газе-та-си Яқин Шарқдаги аҳволга до-ир мамлакатларнинг тутган по-зициясини шарҳлаб шундай деб ёзган эди: Америка қарбий аниомлари Исроилга кучли бо-лишга катта ёрдам берди. Фа-қат Америка Қўшма Штатла-рини Исроилга йўқотилган те-хникани етказиб беришни ва-ж-тининг ва тўхтатиш му-ҳими. Газета фикрича, бу тадбир Исроилни ташқи дундан дипло-матик алоқасини янада узиб қўнган учун имкониятини оши-р-ди.

Г. ГЕРАСИМОВ,
АПН махсус мухбири.
Нью-Йорк.

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Довул келтирган офат

ДЕХЛИ, 10 декабрь. (ТАСС). Бенгал қўлтигидан парқини Ҳиндистон территориясига ёпи-ришган довул натижасида бир неча киши ҳалок бўлди. Бир-кун аввал деҳизга чиқиб кет-ган олти балиқчи дом-дараксиз йўқолди. Довул кучли шамол ва жала ёмири билан бўлди. Натижада Гарбий Бенгалия ва Орисса штатлари қишлоқ хў-жалиғига аяқига зарар етказ-ди.

МЕЛЬБУРН, 11 декабрь. (ТАСС). Қўнли қилкон Фики архиепелатига қирувчи Қандау-ролга ёпирилди. Фики ҳуку-матининг вакили радио орқали гапириб, қилкон орол устида гарбдан шарққа томон ўтган яна бурлиб оролга ёпирилган-лигини маълум қилди. Натижа-да беш мингдан ортиқ аҳоли бошпанасиз қолди, бир неча ки-ши ҳалок бўлди, катта зарар етказилди.

Архиепелатининг марказий оро-лидан зарар кўрганлар учун ошқ-овқат, қодир ва дори-дар-мон ортан кема чиқди.



Польша Халқ Республикасида юкларни контейнерларга жойлаб, буюртмачиларга жўнатиш кенг қўлланилмоқда. Бу-нинг учун кўнганда портларда махсус юк ортин жойлар қу-рилган. Суратда: Гданьск портида контейнерларни кема-ларга юклаш пайти.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ПАХТАКОРЛАР САЁҲАТДА

Пахтакорлар гарамланди, экинлар ҳосили янги олинди. Энди деҳқон шимарилаган енгилари ни тушириб, нешона терларини артиб биров тин олди. Майли, туй-туяласин, ёр-биродарлар бағрида бўлсин, пахтакорлар кезиб ўлкамиз жамолани томоша қилсин. Ҳаммасига ҳақи бор унинг.

Биро ҳизмат кўрсатиш бўлимининг иш графикаси 19 шаҳарнинг номи биланги. Москва, Ленинград, Киев... Тошкентдан йўлбази саёхатчилар, мана шу пахтакорлар билан танишадилар.

— Қишлоқ ҳўжалиги илгори учун махсус маршрут тайёрлаб қўйганимиз, — дейди экскурсиялар ва саёхатчилар Тошкент бюроси директорининг ўринбосари С. Султонова. — Ҳа демай улар тушган самолёт Тошкент—Киев—Ленинград маршрути бўлиб парвоз этади. Бюросинг кузатиб боруви махсус ходими — 20 кун давомида саёхатчилар билан бирга бўлади, улар хизматини бажаради.

Самолёт Киев аэропортига қўнғач саёхатчилар махсус автобусларда 10 кун Украинани пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Музейларда, театрларда, янги курилиш объектларида бўладилар, киевликлар билан бўладиган дўстлик учрашувларида қатнашадилар. Сўнг самолёт Ленинградга томон парвоз этади. Саёхатчилар у ерда ҳам 10 кун бўлган кейин Тошкентга қайтиб келишади.

Қора денгиз соҳилларида сайр қилиш ва дам олиш истagini билдирганлар учун ҳам самолёт тайёр. Саёхатчилар 20 кун давомида денгиз соҳилида ҳордиқ чиқарадилар. Денгизлар оша сайр қилишга иштиёқ бўлганларни биз «Армения» теплоходига таклиф этамиз, — изох беради С. Султонова. — Тошкент, Сирдарё, Хоразм пахтакорларининг катта гуруҳларини ҳозирроқ қўлаб запарлар олмоқда. Ҳа демай, 300 киши Қора денгиз томон жўнаб кетади. Саёхатчилар денгиз орқали Болгария ва Руминияга сузиб борадилар. Шу баҳонада улар қардош социалистик мамлакатлар билан танишиб қайтадилар.



Ўлкамизнинг хўшманзара жойлари саёхатчиларни кутаяпти. Суратда: Чотқол тоғларининг кўриниши.

В. Тарақ фотоси.

лар билан танишиб қайтадилар.

Куз ва кичи фаслида поезлда саёхат қилишнинг ўзига бир гапни бор. Иттифоқимиз ва Ўрта Осиё шаҳарлари бўйлаб қатнайдиган туристик поездлар бундан буён саёхатчилар билан гавжум бўлаверади. Ўрта Осиё шаҳарлари томон жўнаб кетадиган «Дилороз» поездида пахтакорлардан 400га запарга тушди. Қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларидан тузилган саёхатчилар гуруҳлари Самарқанд томон йўл олади. Денгизнинг охирироғларида пахтакорлар яна Закарпатга бўйлаб сафарга отландилар.

Саёхатчилар учун транспортнинг барча воситалари хизматда бўлади. Тошкентнинг ўзида ҳар кун 30 дан ортиқ автобус ва троллейбуслар шаҳримиз билан танишнинг учун келган меҳмонлар ихтиёрига топширилади. Ҳар кун соат 9 да вокзал олди майдонига троллейбуслар келиб тўхтади. Тошкентга йўл-йўлакай тушиб ўтаётган вақти энгирок меҳмонлар шу троллейбусларда 2 соат давомида шаҳримизнинг гузал жойларини томоша қилиб келишлари мумкин. — Людмила Бирюкова, Евгения Соколова, Альбина Бремнича ваби тажрибали экскурсоводлар саёхатчиларга Тошкентнинг бутун тарихи, бугунги кун ва истиқболдан сўзлаб берадилар.

Экскурсия ва саёхатчилар Тошкент бюроси ўтган ойларда 510 мингга яқин кишига хизмат кўрсатиб, йиллик плани 10 ноябрдақ ортиги билан бажариб қўйди.

Ҳозир бюрого тушаётган запарлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Айниқса қишлоқдан запарлар кўлаб тушяпти. Кўпчилик кишилар янги йил арафасида Москвага сафар уюштиришни сўрашди. Биро маъмурияти улар истганини ҳисобга олиб, 29 декабрда Москва томон махсус маршрут тайил қилмоқда. Саёхатчилар янги йили Ватанимиз пойтахтида кўтиб олиб, дўстлар билан дийдор қўришга яна ўз она-шаҳар ва қишлоқларига қайтиб келадилар.

Ж. ФОЗИЛОВ.

ХУШҲАБАРЛАР КҮЙ ВА КҮШИҚЛАР

Олмалик шаҳар маданият уйи ходимлари Пискент район пахтакорларини оталиққа олганлар. Улар Ёз бўйи турли программаларда концертлар бериб туришди.

Бадний ҳаваскорлик тўғрисида энди Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик тўғрисида тайёргарлик ишларини қизитиб юбордилар. Улар партия, Ленин, Ватан ҳақидаги янги куй ва қўшиқларни ўрганишмоқдалар.

Яқинда шаҳарда яна бир янги маданият уйи очилди. Унга «Спутник» номи берилди. Ҳозир бу жойга юздан ортиқ хаваскор жалб этилган. Улар кинёгарлар, қурувчилар, қорқонхўрақлар ишчи ва хизматчилари, мактаб ўқувчиларидан иборатдир.

Маданият уйида музика, драма, рақс, қўшиқ ва бошқа тўғрараклар ҳам ташкил этилган.

„АЛИФБЕ БАЙРАМИ“

Бу йил мактаб остонасига ilk бор қадам қўйган ўқувчиларнинг хат-саводи чиқди. Улар меҳрибон ўқитувчилари олдида кичик ортак, ҳикоя ва текстларни қийналиб ўқиб бера оладилар.

Ўқитувчиларнинг билим ва ўқитувчиларнинг намоёни этиш мақсадида билим ўзгачарига «Алифбе» байрамлари ўтказилиш олат тусига кириб қолди. «Алифбе» китоби мутаоласи тўғрисида муносабат билан яқинда Оржоникидзе районидида 20 мактабда бўлган «Алифбе»нинг энди мен ҳеч қийналмаб ўқийман» деган тадбир ҳам ўқувчиларда катта қизиқниш уйғотди.

Тажрибали ўқитувчи Қуралой Умирова дарс бераётган 1-синф ўқувчилари билимлар синовидан муваффақиятли ўтдилар. Улар ҳарфлар бўйича турли машқ ва ўйинларни бажариб, ҳаммаи қўли қолдирдилар.

Шунингдек ўқитувчи Анор Саидбекова синфни ҳам яхши натижага эришди.

«Алифбе» байрами мактабнинг «Шодли» оркестри концертига улашиб кетди.

А. АКБАРОВ.

Кеча хоккейчиларимиз Канаданинг яна бир машҳур командаси «Лондон Найтс» билан учрашдилар.

Мусобақа яқунланмоқда

Республикамиз чемпиони А. Хўжаев хотирасига бағишлал Тошкентда ўтказилаётган шахматчилар мусобақаси гўтаб қолди. 14 учрашувдан сўнг одессалик халқаро мастер М. Подгаец биринчи ўринни эгаллаб турибди. Москвалик гроссмейстер Л. Лейн билан бўлган кейинги учрашув Подгаецнинг қўли баланд ҳолда кечкирилади.

Тошкентлик шахматчилар Г. Аъзамов ва Д. Қаймов ҳам мусобақада ўз маҳоратларини намоёни қилдилар. Улар 14 учрашувда 9 очко тўплаб, СССР спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўдилар.

„Бинокор“ учинчи ўринда

СССР биринчилиги учун «А» классининг гуруҳида хоккейчилари мусобақаси кизгин давом этмоқда. Тошкентнинг «Бинокор» командаси Орск шаҳрида «Южний Урал» спорт клуби билан иккинчи марта учрашди. Биринчи учрашувда меҳмонлар 6:1 ҳисобида ғалаба қозонган бўлсалар, иккинчи учрашувда 5:2 ҳисобида тошкентликлар қўли баланд келди.

«Бинокор» командаси кеча Темиртоу шаҳрининг «Строитель» командаси билан учрашдилар. Бугун ҳам хоккейчилар яна бир бор майдонга тушадилар.

Мусобақаларда Свердлов шаҳрининг «Звезда» командаси 27 очко тўплаб, биринчи ўринда келмоқда. 25 очкога эга бўлган Новосибирскнинг Армия спорт клуби командаси иккинчи ўринда, 21 очко тўплаган тошкентлик «Бинокор» командаси эса учинчи ўриндадирлар.

Н. СЕРГЕЕВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар



ВИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — МУЗ.ФИЛЬМ. 18.45 — ҲУВЧИЛАР УЧУН КҮРСАТУВ. 19.15 — «АХБОРОТ». 19.30 — СССР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар (Москва). 19.50 — «Маршлік-мангунлик». 20.20 — Миллионлар ленинча университети. 20.35 — 5-минут музика. 20.45 — «Ахборот». 21.05 — Ёш иккионлар концерти. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Фигуралар учини бўйича халқаро мусобақалар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ҳузув кўрсатуви. 18.30 — МОСКВА. Концерт. 19.00 — Рассом илюстрация. 19.30 — Концерт эълонлари. 19.50 — Концерт эълонлари. 20.45 — Бизнинг муқобил пили. 20.50 — Баҳорнинг ун етти лаҳзаси (бадний фильмнинг 11-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент области шаҳарларининг эстафетаси. 22.30 — Қизилбек (бадний фильмнинг 1-серияси). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ҳузув кўрсатуви. 20.10 — Фильм-концерт. 20.40 — Бўрилар ва қўйлар (фильм-спектаклнинг 2-серияси).



НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/ХП да Траинта, 13/ХП да Дон Жуан.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/ХП да Абу Райҳон Беруний, 13/ХП да Мирзо Улуғбек. МУКМИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/ХП да Навоий Астроободда, 13/ХП да Лақма.



Муҳаббат алағасин — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ» 50 ЙИЛЛИГИ. САЊАТ САРОПИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).

Қаллоб Целлик — «ЎЗБЕКИСТОН», ҲАМЗА НОМЛИ, «КУЧА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (якуфт соатларда).

Оддий кийимдаги киши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда). Дайди — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун).

Экстрим таширфи — «ВОС-ТОҚ» (кундуз ва кечкурун). Фантомас — «МНР» (кундуз ва кечкурун).

Албон учун ярим миллион — С. РАҲИМОВ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун). Гул ва тош — Г. ҒУЛОМ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

1 ЯНВАРДАН 10 ЯНВАРГАЧА

„Болалар арчаси“ муз устида

БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: оммавий ўйинлар, Ўзбек Давлат эстрадаси артистлари иштирокида театрлаштирилган томошалар, хонкай ва фигуралар учини мактаблари ўқувчиларининг чиқиши.

ТОМОШАЛАР: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, да бошланади. 5, 6 ЯНВАР КЕЧ 6 ДА

„ЕШЛАР БАЛИ“ ЎТКАЗИЛАДИ

БИЛЕТЛАРИНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ИУЛИ БИЛАН:

Спорт нишоотлари бошқармаси. (В. И. Ленин майдони, 2, 3-қоғналар. Телефонлар: 39-14-18, 39-19-95).

Марказий «Юбилей» спорт зали (Беруний майдони, 41-у. Телефонлар: 486250; 486249; 486775)дан олиши мумкин.

Кассалар 10 декабрдан ҳар кун эрталаб соат 10 дан бошлаб ишлайди.

МУАССАСАЛАР ВА ҚОРХОНАЛАР РАҲБАРИНИ ДИҚҚАТИГА

РЕСПУБЛИКА МАШИНА ЕЗУВИ ВА СТЕНОГРАФИЯ КУРСЛАРИ

муассаса ва қорхоналардан йўллама билан келганларга курслардан махсус ўрин ажратилиши

БИЛДИРАДИ

Ўқувчилар шартнома асосида машина ёзуви ва стенографиядан таълим оладилар. Қабул қилиш йилга 2 марта ўтказилади: декабрь-январь да машгулотлар 1 февралдан июль-августда — Машгулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати Министрлиги

ЧИНОЗ ҚУМ-ШАҒАЛ КАРЬЕРИ

майда доғалар кўмин чекланмаган микдорда

СОТАДИ

Бир кубометри — 1 сўм 11 тиын. Мувожаат учун адрес: Чиноз шаҳар, Эриқни посёлкиси.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

В. РОЗОВ асари. Қ. МИРМУҲАМЕДОВ таржимаси.

„ОҚШОМДАН ТУШГАЧА“

(3 пардали комедия) Саҳнага қўювчи режиссёр — Б. ЙУЛДШЕВ, Режиссёр ёрдамчиси — М. АЗИМОВ, Рассом — У. САЙДАЛИЕВ

СПЕКТАКЛДА: СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номи Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати ОЛИМ ХУЖАЕВ, Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти, Ҳамза номи Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати С. ТАБИУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ССР халқ артисти Э. МАЛИКОВЕВА, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар О. ЮНУСОВ, Т. АЗИЗОВ, Т. ТОҶИБЕВ, артистлар Н. АЛИМОВ, Р. АҲМЕДОВА, Д. ИСМОИЛОВА, Д. ИБРОХИМОВА, Ҳ. НУРМАТОВ, Д. ЗОКИРОВ, М. АЗИМОВлар қатнашдилар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ҲАР КҮНИ КЕЧ СОАТ 5 ЯРИМДА

„ЁШ ҚАЛБЛАР“

ЦИРК КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММА — Ўзбекистон пахтакорларининг улкан меҳнат ғалабасига бағишланади. Шанба ва якшанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 5 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12.30, 3 ва кеч 5 яримда томошалар кўрсатилади. Касса эрталаб соат 10 дан ишлайди. СПРАВКА УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 33-48-21; 33-46-61. ЦИРК ЯҚИНИДА 1, 4, 19, 25, 41, 52, 54, 74 — автобусларнинг сўнги бекати жойлашган.

„ҚИШЛОҚ ҲАҚИ“ ВА „СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ“

ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА БЎЛГАН ГАЗЕТАХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЮҚОРИДА КУРСАТИБ УТИЛГАН ГАЗЕТАЛАР НОМИНИНГ ЎЗГАРГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ҚИШЛОҚ ҲАҚИ» ГАЗЕТАСИ (индекс 64542) ГА ОБУНА БЎЛГАНЛАР — «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИ, «СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ» ГАЗЕТАСИ (индекс 64583) ГА ОБУНА БЎЛГАНЛАР «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИ ОЛАДИЛАР. 1974 ЙИЛГА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЯНГИ ГАЗЕТАЛАРИ —

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА БЎЛИНГ!



АТОМ СОАТИ

Япониянинг Хаттори фирмаси конструкторлари иккинчи йиллик тийиниш изланишда сўнг «атом дингатеги» билан юрадиган қўл соати намунасини яратишга муваффақ бўлдилар. Соатнинг диаметри бир ярим сантиметр, қалинлиги эса сайқис миллиметрга тенг. Ҳудуд ҳам кичик, кассалтага жойланган радиоактив изотоп энергияси майдон бўлиб хизмат қилади.

Конструкторлар соат корпуси конструкциясини яратишга келганда анча қийналишди. Чунки корпус соат таққан одамни ҳар қандай нурланги балосидан асраб туриши керак эдида.

ПОЛЬША ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Польша Давлат илмий наприети тайёрлаган энциклопедияда мамлакатнинг ривожланиши, айниқса урушдан кейинги даврдаги тараққиёти ҳақида атрафлича маълумот берилади ҳамда иккинчи юздан ортиқ катта мақола, рангли фотосуратлар, диаграммалар, атоқли кишиларнинг портретлари босилди.

«Польша» энциклопедияси юз минг нусхада республиканинг 30 йиллик тўли арафасида босиб чиқарилади.


ГАПИРУВЧИ МОДЕЛЬ

Вена магазинларида янги моделдаги девор соатлари сотила бошлади. Бу соатлар бонг чапни ўринга вақтини сўз воситасида билдириб туради. Унинг сирини оддий: пружина ва болгача ўринга магнитфон ўрнатилган. Соат механизми уни ҳар ўн беш минутда ишга тушириб туради.

ЦИВИЛИЗАЦИЯ «НЕЪМАТИ»

Эскимослар цивилизациялашган кишилар истеъмолидаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмо қилмагунча қадар, тиш ортиги касали нима эканлигини билмас эдилар. Эскимосларнинг овқатланиш характери кенг ўрганган Канада стоматолог С. Харли шундай хулосага келди.

Унинг таъкидлашича, илгари гўшт, тоғиён ён ва турли хил баланд истеъмо қилган эскимослар, ҳозир таркибда оз миқдорда протейн, кўн миқдорда углеводлар сарфловчи замонавий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмо қилишмоқда. Бу эса тишининг касалланишига олиб келмоқда.




Кубок Москвага қайтди

Белградда чиқадиган «Спорт» газетаси бундан ўн йил муқаддам сув полони мусобақалари ғолиблари учун махсус кубок таъсис қилган эди. Бу кубокни кунни кеча биринчи марта Москва Давлат Университети спортчилари қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Улар фахрли мукофотни тўрт марта қўлга киритган Белграднинг машҳур «Партизан» командаси билан бўлган финал учрашувда 6:5 ҳисобида ғалаба қозониб, соврин эгаси бўлдилар.

Шохсупада — Галима Шугурова

Польша Халқ Республикасининг Мелец шаҳрида Интервендене кубогини учун ўтказилган халқаро бадний гимнастикчилар мусобақасида оимеклик студент, жасоннинг мутлақ чемпиони Галима Шугурова ақоиб муваффақиятга эришди. У



Тошкент халқ ҳўжалиги институтида қиличбозлар машгулоти мунтазам равишда ўтиб турибди. СССР спорт мастери А. Абдуллаев тренерлик қилиббозлар тўғрисида 50 дан ортиқ хаваскор спортчи шугулланмоқда. Улар институтлараро ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллаганлар. Суратда: қиличбозлар баҳси.

А. РОЗНОВ ФОТОСИ.

КЎЗА СИНДИ

СУД ЗАЛИДАН

Опа-сингил Робия ва Рашида Меликуловалар Тошкент темир йўли бўлимининг ишчилари таъиноти бўлимига қарашли 36 ва 37-саноат моллари магазинларида соатчи бўлиб ишлаган эди. Дони халқини айтганидек, бу эрда ўн опа-сингилларнинг кўзаси синиб, мана бугун суд курашда ўтириб, қиличбозларга яраша жавоб беришди. Ҳўш, уларнинг гуноҳи нима? Опа-сингилларни суд курашига нима етаклаб келди? Робия ўзи ишлаган магазини кассасидан системали равишда эҳтиёжига яраша пул олиб сарфлаб келаверган. Олдиниға тангадан бошланган бу ўғирлик кейинчалик катта суммага айланди. Робия кўрдик, «муштунини ишти» дейдиган азамат хали-вери кўришмади. У шартта кооператив уй соғиб олиш учун магазини кассасидан олиш йўли 5 минг сўмни кўтарди. Робия бу етишмовчиликни намоёб молларни устига баҳо қўйиш йўли билан топишган пул билан қолган учун ҳеч қандай ўғирликдан тоймади.

Афсуски, кутилмаганда магазинга ревизия келиб қолди. Пайтавасига қурт тушган Робия кассадан ўғирланган камоматини ре-

визорга камайтириб кўрсатиш учун сингилси Рашида билан гаплашиб, 5356 сўмлик номи бору фан йўқ молга нақдлий бадири берди. Бунга ҳам нафис қўйишган Робия кассадан яна 805 сўм пулни ўмариб олди. Натияжада Рашида ишлаган магазинда 6 минг сўмдан ортиқ камомат борлиги аниқланди. Робия эса касса вақт ичида магазиндан қарийб 19 минг сўмдан ортиқ давлат маблағини ўмариб кетди.

Тошкент шаҳар суди Робия Меликулованинг жинояти жамоат учун хавфи эканлигини ҳисобга

олиб ва илгари судланган бўлса ҳам тегишли хулоса чиқармаганлиги учун уни ўн йил муддат билан озодлиқдан маҳрум қилди. Рашида Меликулова тўрт йил муддат билан озодлиқдан маҳрум этилди. Ўша муддатнинг ўтаб кетганидан кейин ҳар икковининг савдо ва ўқувчи овқатланиш системаларида беш йил муддатга ишлатиш таъиқлаб қўйилди.

Н. СЕРГЕЕВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Прамда 800-тоққичаси, 26-й

РЕДАКЦИЈА, ТЕЛЕФОНИЛАРИ: Редактор — Б36495. Редактор ўринбосари — Б33885, Б37916. Массул секретарь — Б34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлими — Б31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — Б33786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлими — Б35811. Қиш-